



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 20 yil « 29 » октябрь

№ 665

Toshkent sh.

Коронавирус пандемияси даврида ташқи иқтисодий фаолият, туризм ва қурилиш соҳаларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Коронавирус пандемиясининг салбий таъсири оқибатида зарар кўрган ва кўраётган ташқи иқтисодий фаолият ва туризм соҳаларида фаолият юритувчи тадбиркорлик субъектларини ҳамда замонавий уй-жой қурилиши билан банд бўлган қурилиш-пудрат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш, шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг автотранспорт воситалари паркини янада янгилаш ва модернизация қилиш учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. 2022 йил 31 декабрга қадар қуйидагиларга утилизация йиғимининг ноль ставкаси қўлланилсин:

юк ташиш учун мўлжалланган, “Евро-5” ва ундан юқори экологик тоифа талабларига мос келадиган **шатакчи автомобиллар** (ТИФ ТН коди 8701 20, ишлаб чиқарилганига 4 йилдан ошганлари бундан мустасно), шунингдек, **тиркамалар ва ярим тиркамалар** (ТИФ ТН кодлари 8716 31, 8716 39, ишлаб чиқарилганига 5 йилдан ошганлари бундан мустасно);

юк ташиш учун мўлжалланган **янги транспорт воситалари** (ТИФ ТН кодлари 8704 22, 8704 23) ҳамда **махсус мўлжалланган янги транспорт воситалари** (ТИФ ТН коди 8705 10, 8705 40, 8705 90);

ҳайдовчи билан бирга **ўн ва ундан ортик йўловчиларни ташиш** учун мўлжалланган, “Евро-5” ва ундан юқори экологик тоифа талабларига мос келадиган **транспорт воситалари** (ТИФ ТН коди 8702, ишлаб чиқарилганига 4 йилдан ошганлари бундан мустасно).

2. Вазирлар Маҳкамасининг “Гилдиракли транспорт воситалари, ўзиюрар машиналар ва уларнинг тиркамалари учун утилизация йиғимини жорий этиш тўғрисида” 2020 йил 2 июндаги 347-сон қарорига иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг инвестициялар ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари бўйича ўринбосари – инвестициялар ва ташқи савдо вазири С.У. Умурзаков зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил “29” октябрдаги 665-сон қарорига
илова

**Вазирлар Маҳкамасининг “Ғилдиракли транспорт воситалари,
ўзиюрар машиналар ва уларнинг тиркамалари учун утилизация
йиғимини жорий этиш тўғрисида” 2020 йил 2 июндаги 347-сон
қарорига киритилаётган ўзгартиришлар ва қўшимча**

1. 2-банднинг “б” кичик бандида:

а) қуйидаги мазмундаги тўртинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“давлатлараро, ҳукуматлараро, халқаро ташкилотлар йўналишлари бўйича хайрия ёрдами мақсадларида, шу жумладан техник кўмак (грант) маблағлари ҳисобига олиб кириладиган транспорт воситаларига;”;

б) тўртинчи хатбоши тегишли равишда бешинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

2. Илованинг VI қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

VI. Тиркамалар ва ярим тиркамалар			
Тиркамалар ва ярим тиркамалар; бошқа ўзиюрар бўлмаган транспорт воситалари	8716 (8716 80, 8716 90 дан ташқари)	60	660

